Е 60999

ЭНГ КАТТА ОРЗУИМ – МЕНГА ИШОНГАН ОДАМЛАРНИНГ ОМОНЛИГИ, ЮРТИМНИНГ ТИНЧЛИГИ !

Ислом КАРИМОВ

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 2 март, сешанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 17 (7111)

Da'vat

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлардан бош мақсад — миллат сифатида ўзликни англашдир. Одамлар ҳаётни, янгиликларни онгли равишда идрок этсин.

Ibrat

Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 41-мактабда сартарошлик ва этикдўзлик хизмати йўлга қўйилди. Бу эса мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда мактаб эҳтиёжлари учун қўшимча маблағ топишга имкон бермоқда.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИ

У кимларга керак бўлди? Ижрочилари кимлар? Ташкилотчилари-чи?

Фавқулодда ҳодисалар ҳаётга янгича кўз билан қарашни, ўтганкетган воқеаларни мантиқ чиғириғидан ўтказишни тақозо этади. Беихтиёр инсон умри, ҳаёт мазмуни, лўнда қилиб айтганда, инсон қадр-қиммати ҳақида ўйлаб қоласан, киши. Одам нима учун яшайди? **Инсон қадр-қиммати нимадан иборат?** Яшашдан мақсад нима ўзи? Фоний вужуднинг фақат моддий эҳтиёжларини қондиришми? Инсон қадр-қимматини англаш, тушуниб етиш, бир одамдай яшаб ўтиш, ўзидан ўчмас бир из, яхши ном, хотира қолдиришми?

Қадр деганда ҳаётда онгли яшайдиган одам, яъни Аллоҳ таоло ўзига ато этган иқтидор, салоҳиятни англай олган одам тушунилмайдими? Халқимизда қадр билмаснинг қадри йўқ, деган гап бор. Қадр — бу, ростдан ҳам ҳаёт мазмунини англаб етиш, илгари фақат орзу-армон бўлган, бугун эса реалликка айланган воқеликни тўғри идрок этиш, ҳаётдаги ўз мақсадларини ҳимоя қилиш, рўёбга чиқариш учун курашиш дегани эмасми? Нега бўлмаса одам қадри топталса, гўё юрагига найза санчилгандек безовта бўлади. Бу унинг ҳаётдан кўзлаган мақсадларига тажовуз қилингани учун эмасми?

Инсон адашмаслиги, бошқаларнинг ҳар қандай гапига лаққа тушмаслиги учун, Президентимиз ибораси билан айтганда, унинг ўзида мустақил фикр, муайян ҳаётий қатъият (яъни принцип) бўлиши, ўз **қадрини билиши керак.** Бу қатъият инсоннинг ҳаёт маъносини англашдан келиб чиққан мақсадларига интилиши асосида шаклланади, мустаҳкамланади. **Бу қатъият инсоннинг ҳаётдан кўзлаган мақсадини, бола-чақаси, ота-онаси, эл-юрти, ҳаёт, табиат, жамият ва Парвардигор олдидаги масъулиятини ифодалайди, жавобгарлигидан келиб чиқади.**

Афсуски, бир умр яшаб, қадр нима-ю қиммат нималигини билмай, ҳаёт мазмунини англамай, эзгу ғоялар учун кураш завқини туймай, мақсадга эришишнинг нашидасини сурмай ўтиб кетаётганлар қанча.

Аллоҳ таоло ўзи азиз билган бандаларига синов юборар экан. Қуръони Каримнинг Бақара сураси, 155 оятида: "Албатта, сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирон мусибат етганда "албатта, биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта, биз у зотга қайтгувчилармиз" дейдиган ҳам сабрли бандаларга хушхабар беринг", дея иноят этилган.

Бошига синов тушмаган одам ҳаётнинг қадрига етмайди. Кечанинг бугундан фарқини ҳам, бугуннинг кечадан афзаллигини ҳам, эртанинг қандай келиши мумкинлигини ҳам билмайди.

Ҳаётнинг турли синовларидан эсон-омон ўтиш учун кишида инсон қадр-қимматини, ҳаёт мазмунини тушуниш орқали шаклланган мақсад ва бу мақсадга эришиш учун мустаҳкам ирода, сабр-тоқат ва шукроналик, фидойилик бўлиши шарт.

Ориятли одам ўз қадр-қимматини нозик ҳис этади. Қаттиқроқ тегиб кетсангиз, нафсонияти оғрийди, ўзини камситилган ҳисоблайди, шаънини ҳимоя қилиш учун бел боғлайди.

Қани энди, бу ҳаётда яшаётган ҳар бир инсон ўз қадр-қимматини шундай англаса, қадр-қимматини ерга урадиганлар билан курашишга ҳар доим тайёр бўлса!

Ўтиб кўрилса, 16 февраль куни пойтахтимизда бўлиб ўтган воқеалар тушунчаларимизга катта зарба етказгандек. Бу аслида фақат қўрқув ҳолатида рўй бериши мумкин. Одам кўрқув ҳолатига тушиб қолса, мустақил фикрлай олмайди. Тўғрироғи, мустақил фикрга эга бўлмаган одам кўрқувга, ваҳимага тушиши мумкин. Яна ҳам тўғрироғи, иродаси суст кишигина онгли фикрлаш, воқеаларнинг моҳиятига етишга ожизлик қилади.

Президентимиз такрор-такрор уқтириб айтганларидек: мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлардан бош мақсад — миллат сифатида ўзликни англашдир. Одамлар ҳаётни, янгиликларни онгли равишда идрок этсин. Ислоҳотлар жараёни маъқул бўлса, уларни ўз шахсий эҳтиёжи, фуқаролик бурчи сифатида қабул қилсин. Маъқул бўлмаса, майли, танқид қилсин, фикрини билдирсин, аммо амалий таклифларини айтсин, мавжуд камчиликни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшсин. Акс ҳолда, ҳар қандай танқид қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Ҳаётимизга бир назар солайлик: бундан бор-йўғи ўн йил олдин ким эдигу бугун ким бўлдик! Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди? Тилимиз, динимиз қай аҳволга тушиб қолгани хотирамиздан кўтариладими? Имом ал-Бухорий каби улуғ муҳаддисларимизнинг муқаддас қабрлари хароба тиканзор бўлиб ётганини унута оламизми? Миллий ғурур ҳақида сўз оча олармидик? Дунёда ўзбек деган халқ, Ўзбекистон деган мамлакат борлигини биров биларми-ди?

Ҳукмрон мафкурага сал қовушмайдиган оддий бир гап учун халқнинг асл фарзандлари қатағон қилинган, аксарият одамлар иккиюзламачи, тилёғламалик орқасидан кун кечирган даврлар ҳали хотирамизда эскиргани йўқ.

Президентимиз кўп бора таъкидлаганларидек, **коммунистик ақидапарастлик ҳам, диний ақидапарастлик ҳам бизга мутлақо тўғри келмайди.** Уларнинг ҳар иккаласи ҳам тарихий нуқтаи назардан халқимиз табиатига ёт, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизга зид. Замонавий нуқтаи назардан келиб чиқсак, **бу ҳар икки ақидапарастлик одамлар ҳаётни онгли қабул қилишларига изн бермайди, рад этади.** Аҳоли орасига парокандалик ва қутқу солади. Йўлига кирмаганларни, йўриғига юрмаганларни бадном қилиш, кўрқитиш, тазйиқ ўтказиш, ёстиғини қуритиш ҳар икки ақидапарастлар учун манфур мақсаддан бошқа нарса эмас.

Буни жафокаш халқимиз бошидан кўп ўтказди. Энг сўнгги воқеа диний ақидапарастларнинг жирканч башарасини яна бир бор намойиш этди.

Дўппини олиб қўйиб, ўйлаб кўрайлик. Ўзбекистонимизнинг истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғи одамларнинг ҳаётни онгли ирода этишлари учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий асослар, шарт-шароитлар яратиб берилгани эмасми? Аслини айтганда, бу чинакам демократик жамият талаби. Ўзгаришларни онгли қабул қилиш — биз танлаган йўл! **Ўзгаришларни онгли қабул қилиш, содда қилиб айтганда, дастурхон тўкинлигини ҳам, камчилигини ҳам онгли идрок этиш — бу ҳаётнинг қадрига етиш демак.** Онгли қараш, аввалгамбор, ҳаётни мантиқий, яъни ақл тарозусида идрок этиш. Ақл-идрок фақат инсонгагина инъом этилган энг улуғ неъмат, одамзод қўлидаги энг буюк қурол эмасми? Ақлини ишлатмаган, фикрида мантиқ бўлмаган одам билан баҳслашишнинг ўзи мантиқсизликдир.

Бу гапларни эслашдан муддао нима?

Келажаги буюк давлат қуряпмиз. Инсоф билан айтганда, етти йилда етмиш йилда қилинмаган ишлар қилинди. Бу мақсадларга бутун халқ кучи ва иродаси туфайли эришилди. Президентимиз "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат", деган шиорни айнан халқимиз идроки, салоҳиятига ишониб ўртага ташлаганлар. Ўз-ўзидан аёнки, энди одамларнинг ўзлари фаол бўлишлари, ҳаётни онгли қабул қилишлари, жамиятдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олишлари, шу тариқа мамлакат равнақи, ҳаёт ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интилишлари лозим. **Сирасини айтганда, халқ билан оломон ана шу жиҳатига кўра фарқланади.** Халқ воқеа ва ҳодисаларни онгли идрок этса, оломон кўр-кўрона жазава таъсиридан ҳеч қачон баланд туролмаган.

16 февраль воқеаларини ана шундай қарашлардан келиб чиқиб баҳолаш керак. Мудҳиш воқеалар туфайли бегуноҳ ҳалок бўлганларни эслаш, улар ҳотираси олдида бош эгиш, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. **Лекин асосий бурчимиз — воқеаларни онгли идрок этиш, онгли таҳлил қилиш.** Бу тажовуз нима учун қилинди? Бу жаҳолат орқасида кимлар турибди? Уларнинг асл мақсадлари нима? Бу машъум воқеа нега айнан республикамиз пойтахтида содир бўлди?

Ва ниҳоят, бу воқеалар атрофида кимлар турибди?

Уларнинг ижрочилари ўзимизнинг орамиздан чиққан, кеча сизу биз билан ёнма-ён яшаган, шу эл тузини еб, тузлуғига тупурган, оқпадар кимсалар эмасми?

Бундай хунрезликни истаган, хоҳлаган одамлар кимлар, уларнинг бу қабиҳ маънавий қиёфаси кимларга маъқул? Сиртидан сир бермасаям ичидан хайрихоҳ бўлганлар, машъум воқеани жону дили билан хоҳлаганлар, воқеа босилгач, ичини ит тимдалаганлар кимлар?

Яна бир савол кишини ўйлантиради. Бу мудҳиш тажовузнинг ташкилотчилари кимлар, оғзидан олов пуркаган аждарҳонинг боши ким? Ким бу аждарҳонинг комига ўлакса ташлаб турибди? У кимнинг қўлмагидан сув ичади, кимнинг ғорида жон сақлайди, кимнинг измига юради? Озодлик йўлидан бизни ортга қайтармоқчи бўлаётганлар кимлар ўзи?

Бу саволларга жавоб топиш учун яқин ўтмишда кечган жараёнларга бир назар ташлашга тўғри келади.

Истиқлолимиз арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда "биз демократия қурамиз", деб аюҳаннос солиб, **сохта демократлар, амалпарастлар** майдонга чиқишди. Ижтимоий-сиёсий майдонда қуюндай изғиган бу кучлар халқни ўз ортидан эргаштириш учун айнан нималардан қурол сифатида фойдаланмоқчи бўлган эди?

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Республика олий таълим муассасаларида журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг бугунги ҳолати қониқарсизлиги, таълим ва тарбия тизими, журналистика мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда бошқа турдаги адабиётларнинг жаҳон андозаларига жавоб бермай қолганлиги, шунингдек, соҳа моддий-техник базасининг заифлиги сабабли ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқитиш усулларида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда дунё андозалари даражасига кўтариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультети замон талабларига мувофиқ тарзда қайта ташкил этилсин, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети очилсин ва 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб олий маълумотли журналист кадрлар тайёрлаш ана шу ўқув юртларида амалга оширилиши, бошқа олий ўқув юртларидаги (Қорақалпоқ Давлат университетидан ташқари) журналистика факультетлари (бўлимлари) тугатилиши белгилаб қўйилсин.

Журналистлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Тошкент Давлат университети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетлари негизида мақсадли усулда амалга оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда олий таълим таркибидаги журналистика факультетларининг янги тузилмасини ҳамда шу соҳадаги бакалавриат ва магистратура бўйича Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1999/2000 ўқув йилидан бошлаб журналистика факультетлари қошида иккинчи мутахассислик бўйича тўлов-контракт асосида бир йиллик махсус ўқув курсларини ташкил этсин.

Мазкур курслар тингловчилари бошқа ихтисосликка эга бўлган, журналистика соҳасида камида икки йил мобайнида ўз ижодий қобилияти ва истеъдодини кўрсатган тажрибали мутахассислар орасидан танлаб олиниши таъминлансин;

1999/2000 ўқув йилигача журналистика факультетларида аттестация натижалари асосида замон талаблари даражасида журналист кадрлар тайёрлашга қодир етук профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантирсин.

Бу ишга мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги чуқур билим ва катта тажрибага эга бўлган таниқли амалиётчилар ҳамда соҳа мутахассислари кенг жалб этилсин;

(Давоми 3-бетда)

ИЙМОН ВА ИРОДА СИНОВИ

Фурсатнинг югуриклигини қарангки, элу юртимиз қалбини ларзага солган 16 февраль ҳам ўтган кунлар сифатида ортда қолиб, Мустақиллигимиз саккизинчи баҳорининг эрка ойи – март ташриф буюрди. Бироқ 16 февраль Республикамизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари хотирасидан ўчмас из бўлиб жой олди. Президентимиз номига оқиб келаётган адоғи йўқ мактуб ва шошилинчномалар, ҳушжипслаштира олибмиз. Насиб этса, бу бирдамликнинг хайрли-баракали натижаларини кўрамиз ҳам.

Менимча, бир гуруҳ нопок, ёвуз ниятли, аламзада кимсаларнинг кирдикорлари биз зиёлилар учун ҳам ўзига хос иймон ва ирода синови бўлди. Кўзимизни очди.

Назаримда, Президентимиз ғояларини қалбларимиз тўрига жойлаб олишимиз, уни чуқур англаб олишимиз, атрофимиздаги ҳаётга ҳушёр ва огоҳ кўз билан қараб яшашимиз зарур бўлаётир.

Буюк давлатчилик маданияти, ақлий ва маънавий салоҳияти, ватанпарварлиги ва мардлиги юксак бўлган ўзбек халқимиз Истиқлол белгилаб бераётган тарихий йўлидан олға боражак!

Набижон СОЛИЕВ,
Фарғона политехника институти
Маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи, адабиётшунос

МУНОСАБАТ

ёрлик ва ҳамдардликка чорловчи хитоблар-фикримиз далили.

Мен содир этилган жиноят ва унинг тафсилоти, Президентимизнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатларини тинглаб туриб, бир нарсага иймон келтирдим: мамлакатимизни орқага қайтарадиган ёки бошқа йўлга буриб юборадиган куч оламда йўқ!

Юракларимизни ғурурифтихор туйғулари билан тўлдириб юборган кучли хиссиёт шуки, биз ўтган 7-8 йил ичида ўзгариб, тафаккуримизни ҳам ўзгартира олибмиз. Халқ, миллат сифатида сафларимизни нинг фаҳмига етмагач, у манфурлар инкор маъносидаги қуруқ сафсатадан нарига ўта олармиди?!

Президентимиз юртимиз равнақини кўролмаётган ниқобдаги манфурлар башарасини очиб ташлаб, «огоҳ бўлинг, одамлар» дея бот-бот такрорладилар. Ана шу огоҳликка даъват бугун ҳар биримизнинг қалбимизда акс-садо бериб турсин. Токи, ватанфурушларнинг ниқобли башараси бизни алдаб қўймасин.

Кўчқор СИДДИҚОВ
Жиззах вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институти ўқитувчиси

НИҚОБ ОРТИДАГИ МАНФУРЛАР

Мен куни кеча «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Огоҳликка даъват. Февраль воқеалари» мақоласини ўқиб, хаёлимга келган биринчи фикр «манфурликнинг чек-чегараси йўқ экан-да» деган гап бўлди.

Дарҳақиқат, 16 февраль воқеалари ақидапарастлар, айрим ватангадоларнинг жон талвасаси, сўнгги чораси, деб айтиш мумкин. Қизиқ, ўз миллати, ўз халқини қурбон қилган бу кимсалар яна қандай қилиб миллат равнақи тўғрисида айюҳаннос соладилар. Шунинг ўзи уларнинг сохталиги, бетайинлигини билдирмайдими?!

Бир донишманд «Нодонлар ўзлари фаҳмига етмайдиган ҳар қандай нарсани инкор қилади» деган экан. Мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришлар-



Болаларнинг суюкли ўқитувчиси бўлиш осон иш эмас. Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 17-гимназиянинг бошланғич синф ўқитувчиси Мунаввар Каримова анча йиллардан буён ўғил-қизлар меҳрини қозониб келаяпти. У "Йил ўқитувчиси" Республика кўрик-танловида ҳам бу хислатларини намоён қила билди.

Суратда: Илғор муаллима Мунаввар Каримова ўғил-қизларга математика фани мисолларини ишлашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тушунча бераётир.

Равиль Альбеков олган сурат.

O'ylar

Бундай ҳолат барчамизнинг ҳам бошимиздан ўтган бўлиши керак. Балким кўп маротаба такрорланган бўлиши ҳам мумкин. Яъни, баъзан билиб билмай таниш кишилар билан ҳам салом аликни унутиб қўямиз. Айб ўзимиздан ўтар, балким унда, эҳтимол "айбдор" паришонхотирлик, ялқовлик, кибру-ҳаво бўлар. Айтмоқчи бўлганим айнан бу ҳам эмас, балким шу воқеа содир бўлганидан кейинги кечинмалар ҳақида. Шундай лаҳзаларда бошқаларни билмадиму, лекин менинг ота-онамиздан ҳам шу гуноҳимиз учун айни "дакки"ни эшитардик. Биз учун бу саволга жавоб бериш ноқулай эди, чунки назаримизда, муаллимимизни (асосан синф раҳбаримизни) "сотар" эдик.

Нимага шундай эди? Нега энди бу айбимиз учун ота-она эмас, қариндош - уруғ эмас, қўни-қўшни эмас, айнан ўқитувчи суриштириларди?

Энди билсам, бунга сабаб ўқувчисининг билим олишидан токи юриш туришигача ўқитувчи масъул деган фикр яқинларгача одамлар онгидан чуқур жой олганлиги экан.

ўзаро ишонч ўқитувчи халқига ҳурматни юзага келтирарди. Касб шарафланарди.

Ҳозирги кунда эса ўзаро муносабатларда бирмунча бошқа кайфиятлар зоҳир бўлаётгандек. Дейлик ҳозир барча ўқитувчилар шогирдлари қилғиликлари учун ўзларини жавобгар ҳисоблашишадими? Афсуски, ундай эмас. Аримлари зиммасига туша-

МУАЛЛИМИНГ КИМ?

ҳаётимга ҳар гал болаликда кўп бора эшитишга тўғри келган дашномга ўхшаш бир гап келаверади. Ўйлантириб қўяди. Ўйлаган сайин унга бир олам мазмун яширингандек ва бу мазмун ойдинлашиб бораётгандек туюлади. Яъниким, агар ўша пайтларда ёши улуғроқ кишиларга салом беришни унутиб қўйсам, аксар ҳолларда мени гуноҳкор санаган одамимнинг "муаллиминг ким?" деган саволига жавоб беришимга тўғри келарди. Худди шундай вазиятга тенгдошларимнинг ҳам дуч келганликларига кўп бора гувоҳ бўлганман. Энг қизиғи ҳатто Мазкур қарашлар қанчалик тўғри нотўғрилигидан қатъий назар, энг муҳими, у ўқитувчи зотига бўлган ишончнинг юксак белгиси эди. Маълумки, ишонч ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолаверадиган нарса эмас. Демак, ул зотлар бунга муносиб эдилар. Ҳақиқатдан ҳам биз мактабдагина эмас, кўча-кўйда ҳам бирон ножўя иш қилиб қўйсак, энг аввало муаллимимиздан олинадиган "жазо" дан чўчирдик. Чунки ўқитувчилар олдида бебурд бўлиб қолиш, уларнинг ишончини йўқотиш бизлар учун энг оғир жазо эди. Чунки ўқитувчилар биз ишонадиган, ўрнак оладиган зотлар эди. Ана шу диган масъулиятдан ҳам ўзларини четга олишяпти. Биронта ўқувчисининг ножўя иш қилиб қўйганини эшитса пинагини бузмай "Э менга нима, ўлиб кетмайдими" дейдиганлар ҳам кўпаймоқда.

Бу қарашларнинг оқибати фақат ютқизиқлардан иборат бўлаяпти. Айни дамда энг кўп ютқизаётган эса ўқитувчи бўлиб қолмоқда. Чунки шунинг натижасида ўқитувчи билан ўқувчи, ўқитувчи билан ота-оналар орасидаги ишонч кўприклари дарз кетяпти.

Рустам БЎРОН

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 16 февралида содир этилган мудҳиш воқеа сабабли зарар кўрган Вазирлар Маҳкамасида амалга оширилаётган таъмирлаш ва қурилиш жараёни ҳамда пойтахтимизда бунёд этилаётган Хотира майдонида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, ўз таклиф ва маслаҳатларини берди.

•НАТО Бош котиби Хавер Салана Рамбуйеда Косоводаги нотинчликни бартараф этиш борасида сезиларли муваффақиятга эришилганлигини қўллаб-қувватлаб, томонларни 15 мартгача мулоқот гуруҳининг тинчлик лойиҳасини қабул қилишга даъват этди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Исматилла Раимович Эргашев Ўзбекистон Республикасининг Хитой халқ Республикасидаги фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

• Польша Бош вазири Ежи Бузекнинг Украинага расмий ташрифи давомида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилади.

• Курд ишчилар партияси етакчиси Ўжалонга давлатга хиёнат қилганлик айби расмий тарзда қўйилди.

• Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Туркиядан Ўжалоннинг ушлаб турилиши ҳолати ва унинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қанчалик таъминланаётганлиги ҳақида тезликда хабар қилишини сўраган.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Албатта, улар анойи эмас эдилар. Шўро истибдодига нисбатан одамларнинг кайфияти, руҳиятида пайдо бўлган норозиликлардан қурол сифатида фойдаланишга ҳаракат қилишди.

Хўш, бу қуроллар айнан нималардан иборат эди?

Биринчи қурол. Улар шўро тузумидан, гдлянчилар зуғуми ва десантчилар бедодликларидан, миллий ғурури топталган халқнинг мустабид замонга бўлган норозиликларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлишди. Хўроз уч марта қичқирсам, тонг отади деб ўйлаганидек, сохта демократлар аюҳаннос солсак, ҳаммаёқ обод бўлади, демократия ўрнатилади, ҳокимият қўлимизга ўтади, деб ўйлашганди. Бу ўйлда улар турли ўйинлардан, ҳатто қора кучлардан ҳам фойдаланишдан ор қилишмади.

Душанбега бориб Шоҳидон майдонидаги олатасирларда демократ сифатида қатнашган: "Мана, демократия!", - деб Тошкентда ҳам ана шундай ноқонуний митинглар, тартибсизликларни уюштирган ўшалар эмасмиди?

Тасаввур қилиб кўринг, ўшандай намойишларга йўл қўйилганда, бу ғаламис кимсалар ҳокимият тепасига келганда Ўзбекистон бошига Тожикистондагига нисбатан минг карра оғир кунлар, кулфатлар, қирғинлар ёғилмасмиди?

Иккинчи қурол. Шўро даврида миллий қадриятларимиз ҳам, тилимиз ҳам, муқаддас динимиз ҳам, урф-одатларимиз ҳам, улуғ аллома ва мутафаккирларимиз номи ва мероси ҳам топталган, таҳқирланган эди. Бу қадриятлар орасида тил алоҳида ўрин тутади. Ўша даврда мана шу муаммоларни рўкач қилиб, сохта обрў топиш учун елиб югурганлар озмунча эдими? Бу шўро тузумининг ана шундай камчиликларини бор-йўғи инкор этишдан иборат жазава эди.

Бу табаррук ғояларни - энг ўткир қуролни ғаразли мақсадлар учун ишлатишга уриниш эди. Ўша пайтда чинакам заҳматкашлар бир четда қолиб, қанча-қанча дордан қочганлар Наманган, Фарғона, Хоразмда шу қуруқ инкор ҳисобига сохта обрў орттиришга интилганликларини бугун ким инкор эта олади? Бугун қани ўша қуруқ инкордан нарига ўта олмаганлар? Нима каромат кўрсатишмоқда?

Учинчи қурол. Ўзбекистон Мустақиллиги, Она-Ватанимиз озодлиги. Яна ўша сохта арбоблар ва уларнинг тили-жағи ўткир гумашталари "Мустақилликни мустаҳкамлаш керак, асраш керак. Уни биз уддалаймиз!", дея қанчалик жар солишмади, томоқ йиртиб ҳайқиришмади?!

Аслида бу ўзгаришларнинг бошида ким турди, элнинг яра бўлган кўнглига ким малҳам тутди? Уни мустаҳкамлаш, мамлакатнинг қаддини ростлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини кўтариш, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун ким жон фидо қилмоқда? Ислом Каримов эмасми?

Бундан беш-олти йил илгари Тошкентга келган одам бугун шаҳарни таниёлмай қолиши ҳеч гап эмас. Бошқа шаҳару қишлоқларимиздаги ободончилик ишлари, қад кўтарган иморатларимизни айтмайсизми?! Буларнинг бошида ким турибди? Ислом Каримов эмасми?

Хўш, бугун собиқ иттифоқ ҳудудидаги кўпгина давлатлар, халқлар азоб чекиб зўрға кун кечираётган бир пайтда эркин ва ўз мустақил иродаси билан яшаётган энг обод мамлакат қайси? Ўзбекистон эмасми?

Узоқни кўзлаган, жаҳон тан олаётган, вазмин, оқилона сиёсат олиб бораётган ким? Ислом Каримов эмасми?

МДҲ давлатлари орасида дунё миқёсида энг кўп ташаббуслар билан чиқаётган, узоқни кўра билаётган Президент ким? Ислом Каримов эмасми?

Тўртинчи қурол. Пахта яккаҳокимлиги оқибатлари, қишлоқ аҳолисининг ўша даврдаги турмуш даражаси. Бу масалада ҳам сиёсат майдонида бонг уриш, сохта обрў орттириш учун қанчадан-қанча жазавали ҳаракатлар содир бўлмади.

Энди ўтган етти йилдаги ўзгаришларга назар солинг. Етти йил ичида қанчадан-қанча қишлоқларимиз обод бўлди. Етмиш йил ичида газ нима, тоза ичимлик суви нима билмаган энг олис қишлоқларга ҳам бу табиий неъматлар етиб бора бошлади. Пахта яккаҳокимлигига ҳам тамомила барҳам берилди.

Самолётлар устимиздан захриқотил сепиб, умримизга зомин бўлганлари бугун бир машъум тушга ўхшаб қолмадими?

Бешинчи қурол. Ўзбек номини улуғлаш, дунёга танитиш. Бу ҳақда тафсилотларга берилмай, лўндасини айтиб қўя қолайлик.

Демократия ўйинлари авжига чиққан 80-йиллар охири - 90-йиллар бошида жабрдийда одамларни жунбушга келтирган сафсатабозлар, сохта арбоблар хуружидан мамлакатни асраб, миллатни маънавий инқироздан олиб чиққан, унинг қаддини кўтариб, тарихи, санъати, қадимий шаҳарлари, бунёдкорлик ишлари орқали ўзбекнинг довруғини дунёга ёяётган ким? Ўзбекистон байроғини дунё миқёсида баланд кўтариб турган ким?

Бугун дунё Ўзбекистон салоҳиятини эътироф этмоқда, миллатимизнинг палаги тоза, жаҳоний мартабаси баланд эканлигини кўриб, билиб, ҳис қилиб турибди. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ, албатта.

Улуғ бобомиз Амир Темур довруғини қайтадан тиклаш бутун дунёга таратиш, Бухоро ва Хива шаҳарларининг тўйлари Парижда нишонланиши ҳазилакам гапми? Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратларининг тўйлари-чи?

"Шарқ тароналари" фестивали, халқаро киноанжуманлар Ўзбекистонни етти иқлимга танитиб қолмай, халқимизнинг ўз тарихи, улуғ аждодлари, гўзал Ватани билан ҳақли равишда ифтихор қилишига асос бўлмадими?

Олтинчи қурол. Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ "Ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, инсон учун" шиори устивор вазифа қилиб қўйилди. Бош мақсадимиз инсоннинг иззатини жойига қўйиш, дея даъват этди Президент. Оила йили Оиланинг, Аёллар йили Аёлнинг, Инсон манфаатлари йили Инсоннинг улуғланишига, қадр-қимматини теран англаб етишига, ўзига ҳурмат билан қарашига, инсонга эътибор муҳити қарор топишига самарали таъсир кўрсатганлигини ҳис этмаслик, кўрмаслик мумкинми?

Еттинчи қурол. Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати демократик қонунлар асосида кафолатланган. Демократик институтлар, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ҳуқуқий онгни шакллантиришга хизмат қиладиган ўнлаб марказлар, шу жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсмен), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази ишлаб турибди. Ўнлаб ихтисослашган нашрлар ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожига хизмат қилаётир...

Шўро давлатида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар - суд, прокуратура, ички ишлар тизими қаттол ва бешафқат жазо қуроли, одамларга тазйиқ ўтказиб, зўравонлик қилувчи маҳкама бўлган бўлса, бугунги кунда моҳиятан ва энг аввало, фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи маҳкамага айланиб бормоқда.

Бу ислоҳот, бу туб ўзгаришларнинг тепасида турган ким?

Бунинг учун шу халқимнинг ҳаёти бошқаларникидан кам бўлмасин, мамлакатимнинг мавқеи юксак даражаларга кўтарилсин, адолатли демократик жамият, буюк келажак асосларини, мезонларини яратайлик, деб кечани кеча-кундузни кундуз демай, умри жонини аямай фаолият кўрсатаётган миллатпарвар ким?

Ўтган етти ярим йил ичида қанчадан-қанча ўзгаришлар рўй берди. Бу ишлар тоғдай юксалиб, кўзга яққол ташланиб турибди. Хўш, сохта обрў орттириш учун эҳтиросларни жунбушга келтириб, воизлик қилган, дунёга жар солиб, ўзларини "демократ" ниқобида кўрсатмоқчи бўлганлар бугун қаерларда ватангадо бўлиб юришибди? Улар инкор этиб аюҳаннос солган муаммоларнинг қайси бири бугун ҳал этилмади? Уларнинг қўлида яна қандай қурол қолди?

Тақир ерда чанг чиқарадиган бу "биродар"ларимизнинг шундай кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш учун ақли, фаросати, салоҳияти етармиди? **Ваъзхонлик, бақириш-чақириш осон, аммо амалий иш қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.**

Буни етти ярим йил давомида кечирган ҳаётимиз, бошимиздан ўтган не-не синовлар, аччиқ-чучукларнинг ўзи исботлаб бермадими? Албатта, барчамиз тан оламиз: ҳали муаммоларимиз оз эмас. Буни Юртбошимиз очиқ айтаётир. Ўзимиз ҳам кўриб турибмиз.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқилса, 16 февраль воқеалари ўз-ўзидан рўй бергани йўқ. **Бу ақидапарстлар, айрим ватангадоларнинг жон талвасаси, сўнгги чораси деб айтиш мумкин.**

Сохта обрў топишда устаси фаранг бўлган Муҳаммад Солиҳ, у билан бирга шаталоқ отиб юрган аламзада ватангадолар, агар виждони бўлса, бу ҳақиқатларни инкор қила оладими?

Муҳаммад Солиҳ жаноблари, айтишларича, уч марта уйланган. Бир замонлар биринчи аёлидан туғилган қизларига ҳатто алимент тўлашдан қочиб юрган бу хотинбоз ҳозир беш вақт намоз ўқир эмиш! Қариндошларига ёзган охирги хатида у: "Художўй, диний ақидага берилган болаларни Истамбулга жўнатинглар!" - деб илтимос қилибди.

"Демократ ватанпарвар"нинг бу илтимосидан бир савол туғилади: хўш, нима учун бу болалар оворaи сарсон бўлиб Истамбулга бориши керак экан? Диний таълим олиш учунми? Нима, исломий маърифат ал-Бухорий ватанига нисбатан Истамбулда кучли эканми? Улар Солиҳга нега керак бўлиб қолди? Нима, улар олдига пешво чиқиб, имомлик сарупосини киймоқчими у?

Беш вақт саждага бош уриб гуноҳларини ювмоқчими? Ё ўзини чин мусулмон кўрсатиб янги қиёфага кирмоқчими? Шариатга кўра худонинг барҳақлигига мункир келган, фарзларини бажармаган киши кофирдир. Мантиқан фикрланса, худонинг буюрганларини бажармаган киши ҳам кофир-да. Ахир, мусулмон кишининг мусулмон биродари қони бегуноҳ тўкилишига бош кўшиши гуноҳи кабира эмасми? Кенгроқ маъноda айтганда, халқнинг хоҳиш-иродасига мункир келган кимсанинг кофирдан нима фарқи бор?

Шу ўринда беихтиёр ўтган йили баҳорда "мухолиф"лардан бирининг "Озодлик" радиоси орқали айтган: мухолиф бўлган кимсалар экстремистик кучлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилмоқда, дея айтган фикри хаёлдан ўтади.

Муҳаммад Солиҳ чет элга қочиб кетиши арафасида қуролланиш ҳақида гапирса, кўпчилик "демократ" пўписа қилаяпти, деб ўйлаган эди. Таассуфки, акси бўлиб чиқди, унинг бузғунчилик фаолияти кучайса кучайдики, камаймади. Қашқадарёдан йигирмага яқин йигитни гўё ўқитиш мақсадида хорижга чақириб олди. Бу соддадил йигитларни тузоққа илинтиргач, қонли тўқнашувларга тайёрлашгани, сизларни тижоратчи қиламан деб, айримларини Чеченистонга - биродари Яндарбиев ихтиёрига юборгани, йигитлар қонли урушларда иштирок этиб, хунрезликнинг ичида дийдаси қотгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу сир очилгач, макрга учиб, алданган йигитлар, уларнинг ота-онаси, қариндошуруғи қанчалар пушаймон бўлишгани кўпчиликка маълум.

Халқимизда кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган гап бор. Лекин Солиҳдай кўрнамаклар бу ҳикматнинг маънисига ета олармиди?

Мана, энг охирги маълумотлар: Россиянинг "Новости" ахборот агентлиги мухбирининг ёзишича, ўтган чоршанба куни Ҳасавюрт тумани Герзел назорат постида қуролланган ҳолда Чеченистон - Доғистон чегарасини ноқонуний равишда кесиб ўтаётган ўзбек миллатига мансуб уч нафар шахс қўлга олинган. Уларнинг ёнидан учта пистолет ва Ф-1 гранатаси чиққан.

Бу ҳақда Доғистон ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги Сергей Оленченко матбуот конференциясида маълум қилди.

Қўлга олинганлар сўроқ қилинганда, улар Чеченистон ҳудудида ҳарбий тайёргарлик ўташгани маълум бўлган. Оленченко айтишича, бу Ичкерияда одамлар хуфячилик, пистирма, ҳарбий топография ва бошқа ҳарбий машғулотлардан сабоқ олиб, жанговар ҳаракатларга тайёргарлик кўришаётгани ҳақидаги ахборотни тасдиқлайди.

Мазкур маълумотни ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари бундан бир неча ҳафта муқаддам айнан шу чегара назорат постида ушланган Ўзбекистон фуқаросидан олган. Унинг ёнидан Чеченистон ҳудудидаги ҳарбий ўқув марказларидан бирида ўтилган ҳарбий сабоқ маърузалари топилган.

Биздаги маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг ўзида оч бўридай изғиб юриб, қўлга тушган баъзи ёлловчилар ҳам шу ва шунга ўхшаш қўплаб далилларни "сайраб" айтишмоқда.

Халқимизнинг мўминқобил йигитларини йўлдан уриб, жангарига айлантираётган, уларни жаҳолат, хунрезлик ва жиноят сари бошлаётган, миллатнинг шаънига халқаро миқёсда иснод келтираётган Солиҳнинг, гумашталарининг муддаоси нима ўзи?

Истамбулнинг хилват бир гўшасида ўзини ваҳҳобий ҳисоблаган, Афғонистон, Тожикистонда қўлини қонга ботирган, Пешовар, Истамбул, Чеченистон, Қобул, Қандаҳорда итдай изғувчи Тоҳир Йўлдош билан оғиз-бурун ўпишиб юрганлигини ҳеч ким билмайди, деб ўйлайдими?

Бу хуфя учрашувлар ортида қандай мақсад яширин эканлиги маълумку! Шунча қилмишларидан кейин Солиҳ жаноблари демократлиги қаёқда қолди? Миллатпарварлиги қаёқда қолди? Унинг кирдикорларини исботлайдиган етарли далиллар мавжуд ва вақти келганда ошкор қилинади.

16 февраль куни Тошкентда содир этилган хунрезликларда, Президент ҳаётига суиқасдда унинг қўли йўқ деб ўйлайсизми? Тоҳир Йўлдош қабиҳларча, ҳокимиятни олгандан кейин Солиҳ бизга керак бўлади, дейди. "Демократ"нинг номи унгача халқ назаридан панада туриши, одамларнинг умрига зомин бўлган хунрезлик, разилликка аралашиб қолмаслиги, қонга булғанмаслиги керак. Ё, алҳазар!

Аллоҳ таоло инсонни ақлидан жудо этмасин экан. Ақлни олгандан кейин одамзод кўнглининг тубидаги пинҳоний ниятга эришиш учун ҳар қандай йўлдан, ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайди. "Доҳий"лик касалига мубтало бўлган амалпарастлар одатда инсоният бахт-саодати ҳақида булбулигўёдай сайраб туриб, ўз мақсадига эришиш йўлида одамларни босиб-янчиб ўтаверади. Бунга иймон келтириш учун ярим умри қочоқликда ўтган "пролетариат доҳийси" ўз гумашталари қўли билан ҳокимиятга эришгач, шафқатсиз равишда дарё-дарё қон тўкканини эслаш кифоядир.

Диний ақидапарастлар хуружи воситасида "демократ доҳий" Ўзбекистон бошига шундай кунларни солишни ният қилган эди. Февраль воқеаларида бу муттаҳамнинг қўли борлигини ошкор қилишнинг вақти-соати келади, албатта.

Мард, довюрак инсон бошига қилич келса ҳам, агар у чинакам ватанпарвар бўлса, юртини ташлаб қочиб кетмайди. Бундай кўрқоқ кимсаларгина узоқдан туриб, ўзини ботир кўрсатиши, сохта ниқоб остида эса орқадан тиғ санчишдек манфур ишга қўл уриши мумкин. Доно халқ топиб айтган: нокаснинг борар жойи - жаҳаннам!

Асадулла ҲАҚНАЗАР

(«Халқ сўзи» газетаси 1999 йил 27 февраль)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

1999/2000 ўқув йилигача журналистика факультетларининг моддий-техника базасини инвентаризациядан ўтказиб, уларни ўқув дастурлари ҳамда зарур миқдорда компьютер техникаси, ўқув теле ва радиостудиялари, чет тилларини мукаммал ўрганиш учун техник ускуналар билан таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишган ҳолда 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети қошида ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар, соҳани яхшилаш бўйича таҳлилий тавсиялар тайёрлаш, журналистика истиқболларини прогнозлаш масалалари билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидаги илмий-услубий марказни ташкил этсин;

Давлат тест маркази билан биргаликда 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб:

журналистика факультетларига қобилиятли талабалар қабул қилиш мақсадида абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда ижодий имтиҳонлардан ўтказишни ташкил этсин;

ҳар йили ягона мезонлар асосида журналистика факультетларининг рейтингини аниқлаш ва таҳлил этиш, улардаги таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва амалий иш олиб боришни йўлга қўйсин.

3. Давлат матбуот қўмитаси, "Ўзтелерадио" компанияси, ЎзА, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда:

журналистика факультетларида юқори босқич талабалари учун ихтисосликлар бўйича машҳур ва таниқли журналистларнинг ўқув студияларини ҳамда ўз таҳририятлари қошида журналистика факультетларининг ҳаракатдаги филиаллари ёки ўқув марказларини ташкил этсинлар;

қобилиятли, ўз маҳоратларини намоён эта бошлаган талабаларнинг амалий тажрибаларини ошириб бориш мақсадида уларни иш ўрганувчи сифатида таҳририятларга ижодий ходимликка қабул қилиш чораларини кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги "Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб мустақил Ватанга ва миллий истиқлол ғояларига садоқатли, юқори журналистлик иқтидорини намоён этган, фаол жамоатчи, хорижий тилларни яхши биладиган талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўшимча Давлат стипендияси таъсис этилсин;

Давлат стипендиясининг совриндорларини аниқлаш ва стипендияни молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сонли қарорида кўрсатилган тартиб бўйича амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, "Умид", "Устоз", Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармалари ва бошқа манфаатдор идоралар журналистика факультетларининг илғор педагоглари ва иқтидорли талабаларининг хорижий давлатларнинг етакчи ўқув ва илмий марказлари, оммавий ахборот воситалари таҳририятларида ҳамда халқаро ташкилотларнинг матбуот хизматларида мақсадли ўқув амалиёти ва стажировкалар ўташи учун шарт-шароит яратсин ва амалга оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги журналистика факультетларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хусусан, уларни замонавий компьютер ҳамда лингофон хоналари, ўқув теле ва радиостудиялари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмасига мувофиқ маблағ ажратсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Караматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 26 февраль

Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманидаги 453 - боғча мактаб мажмуасида 280 нафар бола таълим-тарбия олади. Уларнинг чуқур билим олишлари, Ватанпарварлик руҳида тарбия топишлари учун аъло сифатли бошланғич таълим бериш йўлида мураббийлар бор билим ва маҳоратларини ишга солишаяпти. Айниқса, тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари натижасида болаларнинг ҳеч бир ҳаттиҳаракати назардан четда қолмаяпти.

Суратларда: 1 тоифали инглиз тили ўқитувчиси Умида Мирсоатова ва математика ўқитувчиси Покиза Муротова дарс пайтида.

Р.Альбеков олган суратлар

ИЗСИЗ "АДАШГАНЛАР"

Балки сарлавҳадаги "адашганлар" ни қўштирноқ ичига олмаслигимиз керак эди. Улар ҳаётда бир бор адашди-ку! Ахир уларнинг ҳаёти ҳали олдинда. Ким билади, дейсиз, балки эртага ҳаммаси яхши бўлар?..

Биз демократик жамият асосини қонун устиворлигида деб биламиз. Бунинг устига адолат аталмиш умуминсоний қадриятлар тамойили бор. Кучли жамиятда инсон ўз ҳатти-ҳаракати (ёхуд аксинча, ҳаракатсизлиги) учун масъулдир. Ў шунинг учун жавоб беради. Агарда у вояга етмаган ўспирин бўлса-чи? Унда ўсмирга унинг ота-оналари (қариндош- уруғ, маҳалла, мактаблари) масъулдирлар. Ўсмир чархнинг ишлари сабаб ота-онаю маҳалла, мактаб назоратидан четда қолса-чи? Бу ҳолда давлат ички ишлари органлари ишга тушади.

Ўтган йилнинг сўнгги ойларида Республика Ички ишлар вазирлиги жиноятчиликни олдини олиш бошқармасининг ташаббуси билан пойтахтимиз ҳудудида вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, дайдилик ва тиланчиликнинг олдини олиш мақсадида "Ўсмир" деб номланган тадбир ўтказилган эди.

Тадбир жараёнида 1386 нафар ўсмир ички ишлар идораларига келтирилди. Уларнинг 881 нафари Тошкент шаҳрида истиқомат қилса, қолган 505 нафарини бошқа вилоят ва жумҳуриятлардан "адашиб" келиб қолганлар ташкил этади. Дайди болаларнинг 118 нафари тиланчилик қилиб юргани ҳолда ушланган. 325 нафарининг тўрт томони қибла – уйдан бош олиб кетганлар. Ажабо, бунга нима сабаб бўлдийкин? Отанинг ичиб келишими, онанинг зулмими, муаллимнинг қўполдан-қўпол муомаласими, қўшнининг эътиборсизлиги-ю маҳалланинг ...

Қочоқларнинг ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлган 223 нафари вояга етмаганларни қабул қилиш — тақсимлаш махсус муассасага жойлаштирилди.

Далилларга мурожаат этамиз. 1986 йилда туғилган, Зангиота тумани Хонобод қишлоғида яшовчи, 205- мактаб ўқувчиси Д.Султонов ўзбошимчалик билан уйни тарк этади. 1998 йил 5 декабрда Сирғали тумани ИИБ ВЕН бўлими ходимлари Дилшодни тумандаги баланд бинолар ертўласида ушлашди. Бола бир ой давомида дуч келган ертўла ва иссиқлик қувурлари яқинида кун кечирган.

Самарқанд вилояти Пахтачи туманида яшовчи 1987 йилда туғилган Алишер Сиддиқов 1998 йил 1 декабрда Отчопар бозорида тиланчилик қилиб юрганида Чилонзор тумани ИИБ ВЕН бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Айрим дайди болаларнинг ўз ота-оналари "ҳомий"лигида кўчада тентираб юришларини қандай изоҳлаш мумкин? Пойтахтнинг Қора-қамиш 1/4 мавзеси 33/15 хонадонида яшовчи 1987 йилда туғилган Жамшид Мисиров 1953 йилда туғилган онаси Фарида Мисирова билан С.Раҳимов туманининг Қорасарой - Абдурахмонов кўчалари кесишган чорраҳада тиланчилик билан шуғулланиб юришганлари учун уларга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилди.

Ички ишлар бўлимларига келтирилганларнинг 323 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Булардан 157 нафари вояга етмаганлар бўлса, қолган 166 нафари ота-оналарни ташкил этади. 232 нафар ўсмир ва 97 ота-оналарнинг ҳужжатлари расмийлаштирилиб, жойлардаги туман ҳокимликлари қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига юборилди.

"Ўсмир" тадбири давомида 225 нафар бола Тошкент шаҳар ИИБ вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш махсус муассасасига жойлаштирилди.

"...Қишда қушлар иссиқ-иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар", такрорланарди мактаб дарсликларида. Буни қарангки, тадбир давомида 5 нафар россиялик, 1 нафар украиналик, 24 нафар тожикистонлик, 5 нафар қирғизистонлик, 1 нафар туркманистонлик кўча болалари серқуёш юртимизда норасмий "қишлаётганлиги" аниқланди.

Шарқда оилани муқаддас қўрғонга менгзашади. Қўрғонимиз мустаҳкам бўлишига нафақат ота-оналар, балки бир-биридан ширин, одобли, илмли ФАРЗАНДЛАР ҳам сабабчидирлар. Шундай эмасми, муҳтарам газетхон?

Бахтиёр ЗУҲУРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЖООБ ВЕН бўлими катта инспектори, милиция катта лейтенанти.
Норали ОЧИЛОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири.

ЮРТБОШИМИЗНИНГ ФИКРЛАРИ ДАЪВАТ ЭТДИ

Муҳаммадюнус Назаров – эндигина 31 баҳорни қаршилади. Ҳали анча ёш, аммо кўпчиликка бош. Ўрта мактабдан кейин Наманган политехника институтининг қурувчи-муҳандислик факультетида таҳсил олган. Дастлаб қурилиш ташкилотларида ишлаган, 1993 йили "Имкон" хусусий фирмасини ташкил қилган. Унинг фирмаси асосан, газлаштириш-монтаж ишлари билан шуғулланади. Оилали, турмуш ўртоғи уй бекаси. Тўрт нафар фарзандлари бор.

М. Назаров 1998 йили хусусий фирмаси ҳисобидан Найманча қишлоғида яшайдиган болалар учун 270 ўринли мактаб қуриб берди. Бундай савобли ишнинг сабаб ва мақсадлари ҳақида бугуннинг қаҳрамони – газетамизнинг меҳмони М. Назаров шундай ҳикоя қилади:

— Муҳтарам Президентимиз ўзларининг маърузаларидан бирида, савобли ишни ҳар ким ва ҳар куни қилиши керак, деган эдилар. Бизнинг Тўрақўрғон тумани Найманчи қишлоғида ўз ҳисобимиздан мактаб биносини қуриб беришимизга юртбошимизнинг ана шу фикрлари асосий туртки бўлди.

Бизнинг фирмамиз Мустақиллик фарзанди. Уни ташкил қилганимиздан бўён жойларни газлаштириш-монтаж ишлари билан шуғулланамиз. Топаётган даромадимиз чакки эмас. Эҳтиёжимиздан ортиқча пулни дастлаб қабристон ҳудудини ободонлаштириш, атрофини панжаралаш ишларига сарфладик. Очиғини айтганда, бундан кўпчилик хурсанд бўлди, раҳбарлардан, мўйсафидлардан кўп раҳматлар эшитдик. Одамларимиз содда эмасми, баъзан, "пулинг кўчада қолган экан-да", "ошиб-тошиб кетгандир-да", деган гаплар ҳам қулоғимизга чалиниб қолди. Нима ҳам дердик, кўпчиликдан ҳар хил фикр чиқар экан-да. Кейин қишлоқ амбулаториясига қўлимиздан келганча моддий ёрдам кўрсатдик. Оллоҳнинг иноятини қарангки, ишларимиз жўнашиб, хазинамизга барака инди.

Кейинроқ ўйлаб қарасак, Найманчада истиқомат қиладиган аҳоли кўпайиб, болалар мактабга ҳатто уч километр узоқликдан қатнашар экан. Бизда, фирмамиз ҳудудида битта мактаб қуриб берсак нима бўларкан, деган фикр туғилди. Ахир, баландпарвоз гапларни қўйиб турайлик, бу иш оддийгина савоб бўлади-ку. Имкониятларимиз эса етарли.

Юз кунда мактабни фойдаланишга топширдик. Вилоят ва туман ҳокимлиги, қурилиш ташкилотлари, оддийгина халқимиз бизнинг ташаббусимизга хайрихоҳлик билдиришди, маънавий мададларини аяшмади. Одамларнинг чеҳрасидаги мамнунликни кўриб, бизга айтилган раҳматномаларни эшитиб қилган ишимиздан ўзимиз ҳам хурсанд бўлиб кетдик. Шу қаторда қишлоғимизни ҳам газлаштирдик. Мактаб очилган куни ҳамқишлоқларимизнинг хонадонида "зангори олов" ёнди.

Мана, яқинда шакар заводини қуриб, тегишли дастгоҳларни жойлаштириб бўлдик. Насиб қилса, ишнинг бошланишида, бир кунда тўрт тонна шакар чиқаришимиз мумкин. Режаларимиз катта. Топган даромадимизни нима қилардик, халқимизга сарфлаймиз-да. Мана, яқинда мактаб учун ўз ҳисобимиздан ошхона ва спорт залини қуриб бермоқчимиз. Ҳомийликни яна давом эттирамиз.

Биз ҳам топган даромадимизга қатор-қатор "иномарка" машиналар минсак, қўша-қўша иморатлар қурсак, оғизга тушадиган тўйлар қилсак бўларди. Лекин қишлоғимиз қариялари, оқсоқоллар, художўй кишиларимиз бизга, элдан чиқманг, деб насиҳат айтиб туришади. Бундай гапларга, албатта, амал қилиш керак.

Болалар – бизнинг келажагимиз, шу азиз, муқаддас, мустақил Ватанимизнинг тақдири куни келиб уларнинг қўлига ишониб топширилади. Ўғил-қизларимиз бугун мактабларда қийинчилик, муҳтожлик нималигини билмай аъло баҳоларга ўқишса, келажакда биз бошлаган ишларни давом эттиришади. Демак, биз истиқболимизни ўз қўлимиз билан яратаяпмиз экан.

"ҲОМИЙЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ НИЯТИДАМАН"

дейди касалхона ва мактаб қурган саховатпеша инсон

Набижон Маҳмудов – Фарғона вилояти Қувасой шаҳрининг Валик қишлоғида 1954 йили таваллуд топган. Ўрта мактабдан кейин узоқ вақт ишчи ва автомобиль ҳайдовчиси бўлиб ишлаган. Тожикистон давлат университетининг юридик факультетида сиртдан таҳсил олган. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларда у киши янги фирма очди ва унга "Имкон ЛТД" деб ном қўйди. 1994 йили фирманинг ишлаб топган соф даромади ҳисобидан Валик қишлоғининг ўғил-қизлари учун 422 ўринли, 2 қаватли замонавий мактаб биносини қуриб берди. "Халқ таълими ҳомийси" кўкрак нишони соҳиби.

Турмуш ўртоғи тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлайди. 6 нафар дилбандларини биргалашиб, оқ ювиб-оқ тараб катта қилишаяпти. Набижон ака шу 20 миллион сўмга мактаб қурмай, ўзига каттакон иморат солиб олса ҳам бўларди. Аммо у бундай йўлни тутмади. Сабабини қаҳрамонимиз ўзи ҳикоя қилгани маъқул:

— Топган-тутганини баҳам кўриш нуқтаи назаридан инсонлар уч тоифага бўлинади: бахил, саҳий, карим. Бахил топганини фақат ўзи ейди, ҳеч кимга бермайди. Саҳий ўзи ҳам ейди, бошқаларга ҳам беради. Карим эса ўзига ҳеч нарса қолдирмай, бор будини улашиб юборади. Халқимизга азалдан саҳийлик мос ва маъқул. Ҳолбуки, қўлингдагини эл-улус билан баҳам кўрсанг, топганингга яна барака қўнаверар экан. Бу дунёда орттирганини ҳеч ким опичлаб олиб кетган эмас.

"Имкон" фирмасини очиб, қатор чет мамлакатлар билан алоқа боғладим. Уч тўрт танга ҳам топдим. Эҳтиёжимизга ярашасидан ортиғини нима қилай, деб сўраганимда, кўпни кўрган оқсоқоллар, донишманд яқинларимиз "халққа сарфла, сендан бу дунёда ана шу яхшилик қолади", дейишди. Қувасойга ҳар йилги Наврўз байрамида 20-30 тонна ун келтириб, ҳокимият орқали халққа бепул тарқатдик. Шаҳар касалхонасига 1,5 миллион сўмлик вакцинани инъюм этдик. Бу – болаларни эмлаш учун ишлатилади. Мен мазкур далиллар ҳақида кўп гапиришни истамас эдим, чунки савоб йўлидаги хайр-эҳсонни ҳисоб-китоб қилавериш миннатга ёки нокамтарликка айланиб қолади. Бу ўринда мухбир укамизнинг саволларига қисқагина жавоб бериб ўтаяпман, холос.

... Тўрт қиздан кейин, узоқ кутганимиз – Оллоҳ иноятн билан бирданига эгизак ўғил кўрдик. Болалар соғлом туғилди. Лекин бириси кўп ўтмай касаликка чалиниб қолди. Касалхонада даволатдик, лекин барибир оламдан кўз юмди. Эҳтимол, касалхоналаримиздаги имкониятлар етарли бўлганида эди, болани олиб қолиш мумкин бўларди. Менинг-ку уч тўрт тангам бор, қўлимни унчамунча жойга узатсам, эҳтимол етар. Оддий деҳқон ишчи, ҳунарманд шу қўйга тушса нима қиларди? Шуларни ўйлаб, ўзим туғилиб ўсган Валик қишлоғида битта касалхона қурмоқчи бўлдим. Кенгашли тўй тарқамас деганларидек, ҳокимиятдаги раҳбарлар, устозларим, дўстларим билан маслаҳатлашдим. Мени мактабда ўқитган домлам, аввало, янги мактаб биноси қуриб беришимни сўради. Нима ҳам дердик, бу ҳам ўзига хос савоб-ку. Хуллас, мактабни қуриб фойдаланишга топширдик. Ўзига хос қийинчиликлар ҳам бўлди. Чунки пулни ажратиб қўйганинг билан мактаб ўз-ўзидан қурилиб қолмас экан. Қурилиш материалларини етказиб бериш баъзан муаммога айланиб қолди. Ана шунақа пайтда отахон устозимиз, марҳум Акбарали Азизов, ҳокимиятдаги раҳбарлар, дўстларимиз қўлларидан келган маънавий кўмакларини аямадилар. Ниҳоят, ўзим ўқиган, эскириб, ғарибгина аҳволга тушиб қолган мактаб ўрнига янги бино тикланди.

Биз Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, ҳукумат томонидан қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг амалга ошишига заррача бўлсада, улуш қўша олаётганимиздан ниҳоятда мамнунмиз. Ваҳоланки, бу мактабда ўз фарзандларимиз, Қувасойнинг, вилоятимизнинг қолаверса, Ўзбекистонимизнинг келажак ворислари ўқишаяпти.

Яқинда Қувасой консерва тайёрлаш заводини қабул қилиб олдик. Корхона бир оз қарзга ботиб қолган экан. Ҳамма имкониятларимизни ишга солаяпмиз. Режаларимиз амалга ошиб кетса, ҳомийликни яна давом эттириш ниятимиз бор.

Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини бир эслайлик. Наҳотки, бугун юртимизда ана шундай саховат булоқлари қуриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойи, сахий инсонлар диёримизда кўплаб топилади. Фақат уларга бош-қош бўлиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, маънавий жиҳатдан рағбатлантириш керак. Ахир, тўкиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб қурса бўлади-ку! Ахир, шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, чироғимизни ёқадиган, шу ватанга эгалик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!

Ислом КАРИМОВ

БАҲОРДА ТУҒИЛГАН НИЯТ

У. кишининг таълим ҳомийси эканлиги ҳақида , яна ҳам тўғрироғи мактаб қурган деб эшитгандик. Бу ҳақда батафсилроқ танишиб ёзиш ниятимиз борлигини айтганимда дастлаб унамайроқ турдилар. "Буни газеталарда кўп ёзишди, телевидениеда кўрсатишди", "Мақтов ошиб кетмаяптимикин" дея камтарлик қилдилар. Лекин қилган у савобли иши ҳақида қанча ёзилса-да, оз дея унамаганига қўймадим.

Учрашиб танишдик. Аброр ака Жўраев 1951 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Самарқанд Давлат кооператив институтини тамомлаган. Тадбиркор. Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг аъзоси.

Ҳозирда истиқомат қилаётган Зангиота тумани Назарбек қишлоғининг "Наврўз" маҳалласида у кишини қўли очиқ, саховатпеша инсон сифатида билишади. Маҳаллани газлаштириш, ободонлаштириш, йўлларни асфалтлаштириш дейсизми, барчасига Аброр аканинг хизматлари синган дейишади. Бирон кишининг ёрдамга муҳтож бўлиб қолганлигини сезса беғараз ёрдамини аямас экан.

Мактаб қуришга нима туртки бўлди деб сўраганимда А.Жўраевнинг ҳикояси шундай бўлди:

— 1996 йилнинг баҳор ойлари эди. Маҳалламиздаги 8 - мактаб ўқувчиларининг синф хоналари етишмаслиги туфайли қийналиб қолишганини, айрим синфларда 40-45 нафаргача болалар ўқишаётганини эшитиб юрардим. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг бундай вазиятда билим олишлари аянчли эди. Шунда мактаб қуриш, жиллақурса, кичикроқ бошланғич мактаб қуриш нияти туғилди. Бунга яна табиатимдаги ёшларимиз таълим тарбиясига бефарқ бўлолмаслик хусусияти, ўқитувчилик касбига беқиёс ҳурматим ҳам ундади шекилли. Дарвоқе, рафиқам, икки келиним педагог. Ўзим ҳам дастлаб ўқитувчи бўлишни орзу этиб Тошкент Давлат педагогика институтида 4 йил таҳсил олганман. Кейинчалик тақдир тақозоси билан ҳозирги касбнинг этагидан тутдик. Хуллас, ниятимни рўёбга чиқазиш йўлларини излаб, Назарбек қишлоқ фуқаролар кенгашининг раиси Тоҳиржон билан маслаҳатлашдик. Бир қарорга келгач, Зангиота туман ҳокимиятига қурилажак мактаб биноси учун ер ажратишларини ёки унча зарур бўлмасада қишлоқ фуқаролар кенгаши учун мўлжалланиб, қурилиши чала тугалланган бинони беришларини сўраб мурожаат қилдим. Ҳокимиятда иккинчи истагим маъқулланди.

Шундай қилиб, ишни бошлаб юбордик. Ярим миллион сўмликка яқин бинони қайта қуриш, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Уч ой ичида замонавий мактаб биноси қад ростлади. 1996 йил 28 августда тантанали суратда фойдаланишга топширилди.

Ҳақиқатан ҳам Назарбек қишлоғида жойлашган ушбу 10 - бошланғич мактаб ташқи ва ички кўринишини бежиримлиги, ораслиги билан кўрган кўзни қувонтиради. Гавҳар Жўраева директорлик қилаётган мактабда айни дамларда 475 ўқувчи билим олишаётган экан. 23 ўқитувчи сидқидилдан меҳнат қилаяпти.

— Мактабни ўрнак бўла оладиган илм масканига айлантириш учун ҳаракат қилаяпмиз – дейди ишонч билан Аброр ака келажак режалари ҳақида ўртоқлашар экан. — Бунга эришиш учун ишни имкон қадар ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишдан бошлаганмиз. Моддий манфаатдорлик эса маълумки маънавий куч, ғайрат, қилаётган ишига маъсулият ҳиссини намоён қилади. Масъулият билан ёндошилган юмуш ўзининг ижобий самарасини бермай қолмайди. Мактабда таълим тарбиянинг муҳим бир жиҳатига алоҳида эътибор қаратилган. Ўқитувчи ҳар бир шогирднинг отаонаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга ҳаракат қилаяпти. Уйда ўқувчининг нима ишлар билан машғул эканлиги, дарсга қандай муносабатда бўлиши назардан четда қолмаяпти.

Аброр ака Жўраев мактаб ҳаётининг ичида, унинг барча жиҳатларидан хабардор. Лекин бу жараёнга аралашишга маънавий ҳуқуқим бор деган нуқтаи назар билан эмас, балки ўзи орзу қилган мактабни, ўзи орзу қилган билимдон, зукко ўқувчини кўриш ниятида бу ишни қилаяпти.

"БИР МАКТАБ ҚУРИБ БЕРМАСАМ, ОТАМНИНГ ФАРЗАНДИ ЭМАСМАН"

деган эди у ва ваъдасининг устидан чиқди

Абдужалил Шарипов – 1951 йили Андижон вилояти Булоқбоши туманининг Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган. Ўрта мактабдан кейин Қўқон нефтни қайта ишлаш техникумида ўқиган. Вилоят туманларининг газлаштириш идораларида экспедитор, бошлиқ, катта инспектор лавозимларида хизмат қилган. 1980 йилдан 1996 йилга қадар, 16 йил мобайнида Тошкент шаҳар 2-вагон депосида поезд бошлиғи бўлиб ишлаган. Турмуш ўртоғи жамоа хўжалиги аъзоси. Беш нафар фарзандлари бор.

А. Шарипов чўрткесар, бир сўзли, ушлаган жойини узадиган киши. Андижоннинг мард саналган ўғлонларидан. 1996 йили Чилустун тоғлари этагида Ширмонбулоқлик болалар учун 280 ўринли данғиллама мактаб биносини қуриб берди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор:

— Биз кўп қийинчиликларни бошимиздан кечирганмиз, оғир шароитларда ўқишимизга қарамай иложи борича кўпроқ нарса ўрганишга ҳаракат қилганмиз. Ҳозир эса, анчагина ривожланган даврда, озод ва обод диёрда, дориломон замонда яшаяпмиз. Шундай экан, болаларимиз ҳам яхши шароитларда биз, катталарнинг паноҳида аъло баҳоларга ўқишлари керак. Фарзандлардан имкон даражасидаги моддий ва маънавий кўмакларимизни аямаслигимиз лозим. Тўғриси ҳам, шу болаларни деб ишлаяпмиз, яшаяпмиз.

... Кичик ўғилчамни мактабга олиб борсам, тўғриси, ниҳоятда ачиниб кетдим. Болалар... айтишга ҳам тил бормайди, жамоа хўжалиги молхонасини мослаштириб, ўша ерда ўқишяпти. Тасаввур қилинг, қандай ғариб манзара. Ўша ерда, болаларга битта мактаб қуриб бермасам, отамнинг ўғли эмасман, деб кафтимга туфлаб қўйдим.

Мен 16 йил Россияга қатнайдиган поезднинг бошлиғи бўлиб ишлаганман. У томонларга қуруқ бормай, имкониятдан фойдаланиб, мева-чева ҳам олиб, дурустгина тижорат қилганмиз. Ҳозирги даромадим ҳам чакки эмас. Демак ки, битта мактаб биносини бемалол тиклай оламан.

Туман катталаридан, қурилиш ташкилотлари ҳамда жамоа хўжалигидан маънавий мадад сўрадим. Аввалига нимагадир ҳеч ким гапимга ишонмади. Қаранг, шахсий ҳомийликка биз қанчалик кўникмаганмиз. Бу, менимча, эски тузум иллати.

Кейин иккиланибгина ер ажратишди, бошқа ишларда ёрдам беришди. Айрим муаммолар ҳам пайдо бўлди. Лекин кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас экан-да. Мактаб 149 кунда битказилиб, 1996 йили фойдаланишга топширилди.

Ҳозир қўлим бўшади дегунча мактабдан хабар оламан, жажжи ўғил-қизларимизнинг дарслардаги бурро-бурро гаплари, билимлари завқимни тоширади. Афсуски, соғлиғим бир оз заифлашиб қолди. Қани энди, саломатлигим асли ҳолига қайтса, ишлаб топиб шу болаларимизга яна нимадир қуриб берган бўлардим.

Саҳифани махсус мухбирларимиз Аваз ҲАЙДАРОВ, Норали ОЧИЛОВ, Рустам БОЙМАТОВ тайёрлади.

ОТА ТАРБИЯСИ

ёхуд умрини эзгуликка бағишлаган инсон

Бугун биз ҳикоя қилаётган саховатли инсон Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида истиқомат қилаётган 63 ёшли Оллониёз Утениёзов элим деб, юртим деб ёниб яшаётган замондошларимиздандир. Отаси Ўтениёз Эрниёзов машъум урушда қурбон бўлгач, Оллониёз онаси ва сингиллари Турдигул, Ободонларга бош бўлди. Оила ташвишларидан ортиб яхши ўқиди. 1968 йилда ҳозирги Нукус Давлат университетининг инглиз тили факультетини тугатди. Ўша йилдан бошлаб, фақат 4 - мактабда ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ берди. Айни дамда нафақада. Фарзандлари Турсунгул врач, Улбўсин инглиз тили муаллимаси, Ажиниёз мактабда ишлайди. Оллониёз оға ўн бир нафар неварани севимли бобожониси.

Дунёда азалдан икки тушунча мавжуд:эзгулик ва қабоҳат. Эзгулик инсоннинг яратувчанлиги оқибатида, қабоҳат эса бузғунчилик натижасида юзага келади. Зеро, инсонларга яхшилик қилиш, бунёдкорлик Раҳмондан, борини бузиш, фиску фасод касофат шайтондандир. Замондошларимизга шу тарзда назар ташласак, ҳар икки манзарани ҳам кўришимиз мумкин: Кимдир ўзининг яратувчанлиги билан қисқа умрни инсонларга фақат саховат, меҳр-мурувват кўрсатиш билан муқаддас истиқлолимизни мустаҳкамлаш, асраб-авайлашга хизмат қилса, яна кимдир бундайларни кўролмасдан, ич-этини ит тирнаб, хоинлик, бузғунчилик йўлига кирмоқда.Ўз Ватанини гулга эмас, кулга айлантитиш илинжида ҳар қандай разилликлар қилишга тайёр турибди. Иллоҳ,иккисининг ҳам муқаррар мукофот ва жазосини берувчи одил ҳакам Вақтдир. Хўш, О.Ўтениёзовнинг бошқалардан фарқи нимада? Биз нега айнан шу киши ҳақида қалам тебратишни ихтиёр этдик? Сабаби...

Яхшилик Жадигиров, Нукус тумани ХТБ методисти:

— Оллониёз ака 42 йиллик меҳнати давомида таълим ҳомийси сифатида қатор мактаблар қурилишига бош бўлди. У Шатловул овулида 180 ўринли мактаб Тарли ва Хўжан овулларида 50 ўриндан иборат 2 та болалар боғчаси, Хўжан овулида 1 та тиббиёт пункти, Тарли овулида кутубхона қуриб, фойдаланишга топширди. Унинг сўнгги мактаби Хўжан овулида қурилган 24 - мактаб бўлиб, у 180 ўринга мўлжалланган.

Болажон Сейитжонова:

— Оллониёз оға бу ердан 25 - 30 километр узоқликдаги Саманбой, Бекабой тўқайларидан ёғоч келтирди. Ўзи Амударё бўйидаги қора тупроқдан ғишт қуйиб, олиб келди (узоқлиги 30 - 35 км). Мактаб лойиҳасини чизиб, ўз қўли билан мактаб қурди. Биз бу кишидан мингдан- минг розимиз. Унда болаларимиз ўқишмоқда.

Зевара Утемуродова, 24-мактаб директори:

— Кечагидек ёдимда. 1969 йилда иш бошлаганман. Овулдан уч ўқитувчи қўшни овулдаги мактабга қатнарди. Отаоналар болаларини биз билан бирга юборишар, биз 7 км масофага ҳар куни пиёда қатнардик. Қаҳратон қишнинг аёзидан болаларнинг эти увишганида, тўғриси, чидолмай йиғлаб юборардим. Ўшанда совуқдан қотиб қолган болалар ҳам бўлганди...

Оллониёз оға (гарчи ўзи бошқа овулда яшаса ҳам) болаларнинг қийналаётганига ичи ачиб, мактаб қурди. Унда 1995-96 ўқув йили дастлаб бошланғич синфлар ўқиди. 1996-97 ўқув йилидан Оллониёз оғанинг ёрдамлари билан мактаб янада кенгайтирилиб тўлиқсиз ўрта мактабга айлантирилди. Айни вақтда бу ерда 310 нафар бола икки сменада билим олишяпти.

Биз яна 24-мактаб директор ўринбосари Т.Қужаберганова, 4-мактаб директор ўринбосари Ж.Шомуродов ва бошқаларнинг Оллониёз Ўтениёзов меҳнатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишдик. Айни дамда овулда 350 дан зиёд хўжалик, 2000 дан ортиқ киши истиқомат қилади. Аҳоли сонининг йилдан-йилга ўсиши, табиийки, янгича турмуш тарзини тақозо этади. Шу маънода мактаб янада кенгайтирилиш керак. Лаборатория хоналари, кутубхона, компьютер хоналари зарур. Аммо булар бошқа масала.

Биз Оллониёз оғанинг қурган мактаб, боғча, тиббий пунктларини обдон кўздан кечирдик. Бу тиниб-тинчимас домланинг қурган иморатлари билан бир-икки кунда танишишга имкон йўқ эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Негаки бу саховатпеша инсон умри давомида турли миллат вакилларидан иборат 36- нафар қаровсиз қолган фарзандлари урушда нобуд бўлган оилаларга 2,3,4 хонадан иборат турар жой иморатлари қуриб берди. Бу мақсадлар учун 860 минг (!) дона ғишт ишлатилди. Буларнинг барини Оллониёз оға Аму бўйларида ҳалол меҳнати билан қуйди, 30-50 чақиримдан ташиб келтирди. Ўз ҳаловатидан кечиб, юрт ташвишларини елкалаган бу инсондан савобли ишларни қилишингизга ундаган нарса нима, деб сўрадик.

— Раҳматли отам ёшлигимда кишиларга ҳамиша яхшилик, саховат қилиш кераклигини уқтирардилар. Иморат қуриш, боғ яратишга даъват этардилар. Мени яратувчиликка бошлаган нарса отамнинг тарбиялари десам, тўғри бўлади.

Шу қисқа сўздан у кишининг маънавий қиёфасини бус-бутун англаб олиш қийин эмас. Отанинг ишлари муносиб баҳоланди, баҳоланмоқда. У кишига 1991 йилда "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвони, 1992 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени берилди. Домла ҳақида "Ўзбекфильм" ўттиз дақиқалик "Нукуслик ўқитувчи" фильмини олган бўлса, 1993 йилда "Қорақалпоқфильм" икки қисмдан иборат "Хайрли қўллар" ва "Меҳр" номли ҳужжатли фильмларни яратди. Сўнгги фильмлар 1995 йил Ашхабодда бўлиб ўтган "Феруз" халқаро кинофестивалида 72 мамлакат орасидан биринчи мукофотни қўлга киритди.

Айни пайтда Оллониёз оға Нукус тумани ҳокимияти ёрдами билан "Саховат" боғини яратишга киришди. Боғ учун "Нуроний" жамғармаси томонидан 150 минг сўм пул ажратилиб, кўчатлар экишга тайёрлаб қўйилди. 4 гектардан иборат "Саховат" боғида етиштирилажак мевалар "Меҳрибонлик уйлари" ва қарияларга улашилиши кузда [illegible] да. Илоҳо, бошлаган ишларингиз охирига етсин, устозмуаллим. Парваришлаётган ниҳолларингиз мевасини татиб кўриш бахти сизга насиб этсин!

ҚЎЛИ ГУЛ ҚИЗЛАР

Тошкент шаҳар ўқувчилар техник ижодиёт марказида ўқувчилар техник ижодиёт марказлари методистлари ва тўгарак раҳбарлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш максадида амалий санъат йўналишининг тўқиш тури бўйича шаҳар микёсида семинар ўтказилди.

Семинарда Ҳамза, Бектемир, Сирғали, Акмал Икромов, Юнусобод, Шайхонтоҳур туманидан методистлар, тўгарак раҳбарлари катнашдилар. Шаҳар ўқувчилар техник ижодиёти маркази тўқиш тўгараги раҳбари Феруза Аскарова ўз ўқувчилари билан бирга тўқилган ишларини намойиш қилишди. Тўқилган турли туман буюмлар кўргазмага қўйилди.

Тўқиш амалий санъатнинг бир тури бўлиб, у нихоятда завкли ва фойдалидир. Ҳозирги кунга келиб, миллий ҳунармандчилигимиз билан бир каторда ўзбек хотин-қизлари орасида қўлда кийим кечаклар, уй-рўзғор буюмлари тўқиш кенг ривожланиб бормоқда. Бу семинарнинг асосий максади хам ўқувчи кизларга касб-хунар ўргатиш билан бирга маърифат ва маънавият сабокларини сингдириб боришдир.

Қискаси, кизлар тўкиган буюмлар муносиб бахосини олди.

243 - мактабнинг 7 "б" синф ўқувчиси К.Каримова биринчи, шу мактабнинг яна икки ўқувчиси Ш.Мирюсупова ва М.Иноғомовалар иккинчи, учинчи ўринлар сохиби бўлишди. Умумий хисобда хам 243 - мактаб 7 "б" синф ўқувчилари ғолиб чикишди. Улар муносиб тақдирланишди.

Малика ҒАНИХЎЖАЕВА

Maktabgacha ta`lim

ЯКШАНБАЛИК МАКТАБИ

Пойтахтнинг Шайҳонтоҳур туманидаги 461-болалар боғчаси намунали тарбия масканларидандир. Кичкинтойлар гулшанида 10 та гуруҳ мавжуд бўлиб, унда 250 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бу ердаги тадбирлар илк ёш гуруҳларида тарбиявий ишларни ташкил этиш ва олиб боришга йўналтирилган.

Боғчада кичкинтойларга мусиқий тарбия беришга алоҳида аҳамият берилаётир. Шу боис, яқинда жажжилар масканида "Мусиқавий билим илк ёшдан берилади" мавзусида очиқ машғулот ўтказилди. Тажрибали мусиқа раҳбари Муқаддас Дадажонова бошчилигида ширинтойлар пианинода ижро этилаётган мусиқа оҳангига мослаб ёғоч қошиқда жўр бўлдилар. "Бармоққа бармоқ", "Қўришдик", "Мана қўлларимиз" қўшиқларини ҳаракатли ўйинлар билан ижро этдилар. Шунингдек, тарбиячилар Насиба Муҳамедова, Саида Ҳамидова, Ўғилой Абдуазимовалар бошчилигида илк ёшлилар ноанъанавий услубда саҳна кўринишларидан намуналар намойиш этдилар. Очиқ машғулот унда иштирок этган 75, 226, 327, 445 ва 448-болалар боғчалари мураббийларида катта таассурот қолдирди.

Ўрта ва тайёрлов гуруҳлари дилбандларига хорижий тиллар — инглиз ва рус тили машғулот сифатида ўргатилаётир. Шунингдек, тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчилари саводга ўргатиш, математика, нутқ ўстириш, теварак-атроф билан таништириш, жисмоний тарбия, меҳнат сингари машғулотларда фаол иштирок этмоқдалар.

Машғулотларни кўргазмали қуроллар асосида қизиқарли ва ранг-баранг ўтишда тажрибали, болажон тарбиячилар Соҳибжамол Алимхонова, Маъмура Юнусова, Дилбар Мақсудова, Матлуба Пирматовалар бошқаларга намуна бўлаяпти.

Боғчада тарбияланган болалар тумандаги 59,76,115-мактабларда таҳсил олаётирлар. Кичкинтойлар маскани 59-мактаб билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Уч йилдирки, боғча қошида якшанбалик мактаби фаолият кўрсатмоқда. Сентябрда бошланиб май ойигача давом этадиган Якшанбалик мактабидаги машғулотлар якшанба кунлари соат 9дан 11гача олиб борилаётир. Машғулотларни 59-мактабнинг тажрибали муаллимаси Турсуной Азимова қизиқарли тарзда ташкил этмоқда.

1996-97 ўқув йилида боғчага қатнамайдиган 18 нафар, 1997-98 ўқув йилида 30 нафар кичкинтой якшанбалик мактабида мактабга тайёрланган. Якшанбалик мактабида мактабга тайёрланган дастлабки ширинтойлар ҳозир 59-мактабнинг 3-синфида яхши баҳоларда ўқишмоқда.

— Якшанбалик мактаби фаолиятидан, — деди боғча мудираси Муяссар Юсупова, — аввалги йиллар анча хурсанд эдик. Боғчага жалб қилинмаган болалар мактабга ҳозирланган эди. Негадир, жорий ўқув йилида болалар якшанбалик мактабига келишмади. Тайёрлов гуруҳимиз тарбияланувчиларидан 10 нафаригина якшанбалик мактабидаги машғулотларда иштирок этаётир. Келажагимиз бўлмиш болажонлардан умидимиз катта. Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликни рўкач қилаётган ота-оналардан фарзандларини мактабга тайёрлаш борасида шароит яратиб беришларини илтимос қиламан.

Дарвоқе, шу ўринда Навоий бобомизнинг "Сабъаи сайёр" достонларидаги бир воқеа ёдга тушди. Овга чиққан Баҳром Дилором олдида мақтаниш ниятида бир ёй билан югуриб кетаётган кийикнинг икки оёғини парчинлаб ташлайди. Бундан ҳайратга тушмаган Дилором "бу ишинг варзиш (кўникма) натижасидир" дейди.

Дунёда ҳар кишиким бир иш бор,
Бу ишда ул кишининг варзиши бор.

Дарҳақиқат, бола ҳам мактаб ҳаётига кўникма ҳосил қилиши керак. Бу кўникмаларни якшанбалик мактаблари бериши шубҳасиз. Шунинг учун бундай мактабларга ота-оналар жиддийроқ эътибор беришса яхши бўларди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Xullas...

КЕЛИННИНГ КУЧИ ЕТАДИМИ?..

Аёллар учун энг яхши совға — гул. Одатда гулдастадаги гуллар тоқ қилинади. Тоқ гулларнинг жуфти совғани олган аёлдир. Масалан, гулдастангиз еттита чиннигул бўлса, саккизинчиси уни қабул қилиб олган аёл ҳисобланади.

Хельсинкида жуда аломат гулдастани ясадилар. Бу улкан гулдастани ясаш учун 5 мингдан кўпроқ атиргул ва лолаларни қирқишга мажбур бўлишди. Кўргазмада намойиш этиладиган бу матоҳ қайсидир келинчакка ҳадя этилиши аниқ.

20 киши гулдастани ясашга неча кунлар овора бўлмади дейсиз. Бўйи уч метр, оғирлиги 150 килограммлик ҳадянинг томошабинлари кўплигини кўрсангиз эди! Уни кўтараман деб келин бечора йиқилиб тушмаса бўлгани...

ГИЁҲВАНДЛИКДАН САҚЛАНИНГ!

Лондон метрополитен бошқармаси гиёҳвандликка қарши қатъий кураш бошлади. Шиор шундай, "Бизнинг бирорта ходимимиз наркотик модда истеъмол қилмасин!"

Агар бундай модда машинистнинг қонида борлиги қайд қилинса, шафқат қилинмай, шартта ишдан бўшатилади. Темир йўл ва атом электростанцияларида ҳам бу ишга қизғин киришилган.

Хавфсизликни таъминлашнинг бирдан бир йўли гиёҳвандликдан қочиш. Демак, бу иллатга илашманг, деб уқтиради метрополитен бошлиқлари.

ЧИҒИРИҚНИНГ КУЧИ

Гданск шаҳар полициясининг матбуот котиби Лешек Урбановичнинг қамоқхона хазиналари ҳақидаги хабари яшин тезлигида Польшага тарқалди.

Аниқланишича, ўтган йилнинг апрель ойида Гданск тергов изоляторида ўғирланган тилла буюмлар, олтин соат, платина, кумуш "озодликка" чиқарилди. Изоляторга қандайдир йўллар билан тушиб қолган пуллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам чиқиб туради. Маҳсулотлар, афтидан, қамоқхонада чиғириқ яъни изолятор борлигини, унинг "ҳудуди"дан кўп нарсани ўтказа олмаслигини билмайдилар...

10 ГРАММЛИ ТЎТИ

Бундай оғирликдаги тўти бормикан, деб таажжубга келган бўлсангиз керак. Африка, Америка, Австралия, Янги Зеландия тропик ўрмонларида ҳам бундай митти жонзот, одатда, учрамайди. Буни қарангки, унинг бўйи 8 см, оғирлиги 10 грамм. Ҳали қушча номсиз, уни дунёдаги энг митти тўти дейишмоқда.

ana shunaqa gaplar...

Sport

КУРАШ ЖИДДИЙ БЎЛАДИ

"Дэвис кубоги"нинг кейинги босқичида Ўзбекистон теннисчилари 2 - 4 апрель кунлари Японияда майдон эгаларига қарши кортга чиқишади. Кунчиқар мамлакатда юртдошларимизни дунё таснифида юксалишлари учун жиддий синов кутаяпти.

ЕВРОПАДАН ХУШХАБАР

Боксчиларимизнинг Европа бўйлаб зафарли юриши давом этаяпти. Венгрияда якунланган нуфузли халқаро турнирда қатнашган Т.Дониёров (48 кг), Р. Эралиев (51 кг), Л.Зокировлар (91 кг.дан юқори) олтин ва Ш. Ҳусанов (71 кг) бронза медалларини қўлга киритишди.

ҚИМЛАР ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Пойтахтимизда трамплиндан сакраш бўйича "Ўзбекистон кубоги" мусобақалари бўлиб ўтди. Биллур соврин эса спортчиларнинг фақат кучли, эпчил, маҳоратли ва омадлиларигагина насиб этди. Уни қўлга киритишган Б.Бакаев, Д.Содиқов, Д.Деҳқонов, Е.Хилько, М.Гордеева, Г.Ҳасановларнинг ҳар бирида шу сифатлардан бири мужассам эди.

АГАР НАСИБ ЭТСА

"Сидней – 2000" олимпиадасида дунё бўйича саралашлардан омон чиққан 16 мамлакат футбол терма жамоаси қатнашади. Шундан 3 ўрин Осиё қитъасига ажратилган. Ана шулардан бири эса Ўзбекистонликларга аталган бўлиши ҳам мумкин. Агар футболчиларимиз шу баҳордан бошланадиган баҳсларни аъло даражада бошлаб, муносиб охирига етказишса.

СПОРТ(ЧИ)ГА ТАЖОВУЗ

Машҳур спортчиларга ҳам осон бўлмаяпти. Уларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига топаётган бойлигига шерик бўлмоқчи бўлаётган баттоллар ниятларига эришиш учун ҳар қандай пасткашликлардан тап тортишмаяпти. Мексика терма жамоаси дарвозабони Хорхэ Кампоснинг отасини ўғирлаб кетганлар "товонга" бир миллион доллар (АҚШ) талаб қилаётганмиш.

maydonchasi

ШОҲМОТ – АҚЛНИ ПЕШЛАЙДИ

Гўзалкент тумани халқ таълими бўлими қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида туман мактаб ўқувчиларининг V спартакиадаси дастуридаги шоҳмот мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда 16 та мактаб ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Қизиқарли ўтган биринчиликда жамоа ҳисобида 15 очко тўплаган 8-ўрта мактаб ёш шоҳмотчилари туман ғолиблигини қўлга киритишди.

Иккинчи ўринни 7-очко жамғарган 13-ўрта мактаб ва учинчи ўринни 5-очко билан 1-ўрта мактаб жамоалари эгалладилар.

Шахсий биринчиликда 8-ўрта мактаб ўқувчиси Ш. Эрматов энг кўп очко жамғариб биринчи ўринни эгаллади.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

ЖАҲОНГИР — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Ёзувчи Давлатёр Раҳим директорлик қилаётган Хива шаҳрида жойлашган Феруз номидаги 10-мактаб Хоразм вилоятидаги энг илғор илм масканларидан бири ҳисобланади. Яқинда Урганч шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича халқаро турнирда шу мактабнинг 11-синф ўқувчиси Жаҳонгир Абдукаримов 66 килограммгача бўлган вазн тоифасида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, Туркманистон, Қирғизистон Республикалари ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган ўз тенгдошларини доғда қолдирди.

Жаҳонгир, келгусида ажойиб "чарм қўлқоп" устаси бўлиб, жаҳонни кезавер!

Ўз мухбиримиз

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ЎРТА МАХСУС БИЛИМ ЮРТЛАРИ, ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ЖОЙЛАРДАГИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ИШЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ МУТАСАДДИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Маънавият» нашриёти халқимиз тарихи, маънавий ва маданий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб адабий, бадиий ва услубий китоб ва рисолаларни нашрдан чиқарди. Мустақиллигимиз шарофати билан асл мақсадлари рўёбга чиққан, хизматлари қадр топган жадид алломалар — **Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Мунавварқори, Қодирий, Чўлпон** танланган асарлари ҳамда уларнинг суратлари акс эттирилган (**«Жадид адабиёти намоёндалари»**) плакатлар ёшлар маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг илк мевалари хусусида тасаввур ҳосил этадиган **«Юксак маънавият – келажак пойдевори»** (7 қисмдан иборат) деб номланган, ниҳоятда чиройли, сифатли қилиб чиқарилган плакат «Маънавият ва маърифат» хоналарини янада мазмунли қилади.

Ушбу плакат ва китобларни нашриётнинг ўзидан нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-уй мўлжал — «Боғи эрам» (собиқ «Тельман») истироҳат боғи.

Тел: 68-24-15, 68-24-44, 67-22-14.

ТОПИШМОҚЛАР

Ана, пойлар сичқонни,
Асло "миёв" демасдан.
Атайлаб тутганида
Ажаб, турар емасдан.
(Qopqon)

У яланғоч, жажжи ўзи,
Узун думу, битта кўзи.
Уйда керак бўлар доим,
Уни ардоқлайди, ойим.
(Igna)

Енгил эмас қуш каби
Ердан осон учса ҳам.
Етказади манзилга
Етти шаҳар кўчса ҳам.
(Tayyora)

Гулдан гулга кўчар у,
Гулдан шира сурар у.
Гиёҳванд эмас-а Али
Гулсевар у —
(Asalari)

Юраверар оёғи йўқ,
Юртимни кезиб чиқар.
Юракларга севинчдан
Юпанчлар бериб чиқар.
(Xat)

Лой ва жундан танаси,
Ловиллар ўт хонаси.
Лахча чўғида пишар
Лўппи ширмон боласи
(Tandir)

Чарчамайди эрта-кеч,
Чорраҳада у ўзи.
Чор атрофни кузатиб
Чарақлайди уч кўзи.
(Svetafor)

Ҳамидулла МУРАТОВ,
Чирчиқ шаҳар ижтимоий иқтисодий лицейи тил ва адабиёт ўқитувчиси

QUTLOV

Мехрибон онажонимиз Умриниса Раҳмонова!

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин. 30 йилдан зиёд вақтдан бери ёш авлодга тарбия беришдек эзгу ишга камарбастасиз. Минглаб шогирдларингиз бугун эл хизматида. Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда зафарлар тилаймиз.

Оила аъзоларингиз.

ЭЪЛОН

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган фанлар бўйича айрим адабиётларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилишга танлов эълон қилади. Таржима қилинадиган ўқув адабиётларнинг асл нусхаси Марказда мавжуд. Ўқув адабиётларни таржима қилиш учун келишилган нархда шартнома асосида пул тўланади.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази

Маълумот учун телефонлар: 139-13-42, 139-13-77.

МУАЛЛИМЛИК МАСНАДИ

Бухорода Маҳди ака Носировни "Маҳди муаллим" деб аташади. Бу сўзнинг нечоғлик оғир юкини билганлар биладди, билмаганлар "ҳа, нима бўпти" дея истеҳзога боради. Билганлар бу сўз масъулиятининг бор бўй-бастини ҳис қилиши тайин. Билмаганларга эса, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Футуватномайи султоний" асаридан бир-икки жумла келтирмоқчимиз: "Устозлик тариқати уч навъдур:

Биринчиси, устознинг суврат ва сийрати мутаносиб келиши;

Иккинчиси, илму маърифатни барча нарсадан афзал билиши;

Учинчиси, ўз донишини ўзгаларга етказиш".

Маҳди акада Кошифий таъриф этган шу уч хислатнинг барчаси ўз тажассумини топган. Шу важдан у устозлик масъадига эришган. Эл эътиборининг сабаби ҳам шу. Маҳди Носиров 1952 йилда Бухоро Давлат педагогика институтининг тарих факультетини битиргач, мактабга йўлланма олди. Устозлар ўгити, ўзининг теран фикри ва чуқур билими қўшқанот бўлиб, тез орада кўзга кўринган муаллимлардан бирига айланди.

Тез орада уни Бухоро шаҳридаги мактаблардан бирига директор этиб тайинлашди.

Талантли ва ташкилотчи педагог Маҳди Носиров 1971 йилдан бошлаб Бухоро вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида мактаб раҳбарлари кабинетининг мудири вазифасида фаолият кўрсата бошлади. Иши давомида вилоятдаги илғор, тажрибали мактаб раҳбарлари фаолиятини оммалаштириб борди. Буларни янада кенгроқ ёритиш учун республика ҳамда вилоят матбуотида 100 дан ортиқ мақолалар эълон қилди. Маҳди ака раҳбарлигида 40 дан ортиқ методик қўлланмалар яратилди.

Шогирдлар — устознинг тиргаги. Ранжли меҳнат маҳсули сифатида устознинг қаддини адл, кўкрагини тоғ қилиб туради. Маҳди Носировнинг ана шундай шогирдлари саноғига етиш қийин.

Ҳукуматимиз Маҳди муаллимнинг кўп йиллик хизматларини инобатга олиб, қатор медаллар, нишонлар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаган.

Бугун Маҳди муаллим етмишга етиб турибди. Биз том маънода муаллимлик масъадига эришган Маҳди Носировга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Асқар ШОКИР

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Давлатимизнинг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта масъулиятларни юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида Мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 1999 йил март ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Курсларга мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари таклиф этилади:

1. Мактабгача таълим муассасалари мудиралари; 1.03.99 – 27.03.1999 йил.
2. Мактабгача таълим муассасалари услубчилари: 1.03.99 – 27.03.1999 йил.

Қисқа муддатли курслар :

3. Янги типдаги мактабгача таълим муассаса раҳбарлари, ўқув бўлим мудири: 1.03.99 – 13.03.1999 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз : *Тошкент ш. Собир Раҳимов тумани, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.*
Телефон : *46-98-04.*
Транспорт : *Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг охирги бекатигача.*

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳririят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0193. Тиражи 57.532. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.